**НАФС ҚУЛИ**

Жисмонан ожиз бўлган аёлга мадад бериш ўрнига унинг соғлиғига путур етказган Жамшид энди қонун олдида жавоб беришга мажбур. Қилмиш-қидирмиш, деб шуни айтсалар керак-да. 2 бет

**ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР БАРҲАМ ТОПДИ**

Ўтган икки ой мобайнида чет элда ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш ва қўлбола равишда тайёрлаб сотиш билан боғлиқ 307 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. 4 бет

**РУҲШУНОСГА УЧРАШГАНМИСИЗ?**

Хоҳлаган одамингиздан шундай деб сўраб кўринг-чи, нима, сен мени жинни деб ўйлаяпсанми, деб ёқангизга ёпишади. Ўзбекнинг руҳиятини суриштирсанг, шахсига теккандек бўласан. 9 бет

**ЁНДИРИЛГАН ЖАСАД**

темир йўл бекатлари оралиғида, дарахтлар орасида эркак кишининг чала ёнган жасади ётарди. 10 бет



# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 29-mart, № 13 (534)


Парламентда

**Бугун Олий Мажлис Сенатининг IX ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Ялпи мажлис кун тартибига давлат ва жамият аҳамиятига молик жами йигирма тўртта масала киритилган. Жумладан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни лойиҳаси ҳам муҳокамага қўйилган. Кеча ялпи мажлисга тайёргарлик доирасида Сенатнинг бир неча қўмиталари йиғилиши бўлиб ўтди.**



## Қўмиталар мажлиси

Даставвал Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофлича кўрилди. Лойиҳа юзасидан маъруза қилган қўмита раиси Эркин Воҳидов жумладан шундай деди:

— Мамлакатимиз Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси ваколати доирасида киритилган ушбу қонун лойиҳаси хорижий давлатларнинг нуфузли экспертлари, оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Мамлакатимизнинг турли жойларида бўлиб ўтган йиғинларда халқимиз томонидан бу лойиҳа хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Бу ҳужжат ислоҳотлар нуқтаи назаридан тарихий аҳамиятга молик десак муболаға бўлмас.



Йиғилишда яна «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, кеча Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари, аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмиталарининг ҳам мажлислари бўлиб ўтди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Назорат

## Хуфёна иш

### ФОШ ЭТИЛМАЙ ҚОЛМАЙДИ

Қонун доирасида фаолият юритаётган корхона, ташкилотлар, тадбиркор ва ишбилармонлар солиқ ва бошқа тўловларга оид фуқаролик бурчлари ва мажбуриятларини адо этиб, юртимиз равнақига баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшишяпти. Шу билан бирга била туриб қонун-қоидаларга хилоф иш тутаётган, хуфёна тарзда бойлик орттиришга интилаётган «ишбилармон»лар ҳам учрамоқда. Савдо соҳасида амаллаги қонунларни четлаб, фойда кетидан қуваётган фуқаролар нафақат жамият манфаатларига, балки ўзларига ҳам зиён етказишяпти.

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ходимлари Андижон шаҳрининг «Жаҳон бозори» ҳудудида «Икарус» русумли автобусни кўздан кечиришганда, юкхоналари ва салони турли истеъмол моллари билан тўла эканлиги маълум бўлди. Хорижда ишлаб чиқарилган бу товарларнинг бож тўловларини тасдиқловчи ҳужжатлари, сифат сертификатлари йўқ эди. Вилоят баҳолаш ва товаршунослик экспертизасининг баҳолашига кўра 21,8 миллион сўмлик товарлар Д.Усмонова ва бошқаларга тегишли бўлиб, вилоятимизга ғайриқонуний келтирилган. Автобус ҳайдовчилари И.Ҳусаинов ва Ғ.Ҳамдамовлар ноқонуний юкни манзилга элтиб беришни зиммаларига олишдан ташқари бошқа ҳуқуқбузарликка ҳам қўл уришган. Тегишли тартибда лицензия олмасдан аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб келишган.

Департаментнинг вилоят бошқармаси ва Булоқбоши туман бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда Андижон шаҳри Амир Темур кўчасидаги «Ҳасанбой» дўконининг эгаси Н.Музаффаров ҳеч қандай ҳужжатларсиз хориждан келтирилган автомобил эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланиб келгани аён бўлди. 4 миллион сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмлар ашёвий далил сифатида олинди.

Бобуршоҳ кўчасидаги савдо дўкони эгаси, тадбиркор Н.Арабжонов ҳам божхона назоратини четлаб келтирилган электр ва рўзғор буюмлари савдосини йўлга қўйган. Бундан ташқари, ноқонуний равишда С.Эргашевни сотувчи қилиб ишга олган. Дўкондан ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 6,8 миллион сўмлик чет эл фирмаларининг товарлари чиқди.

СВОЖЖДЛҚК ва Давлат солиқ бошқармалари бу борадаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, уларга чек қўйишни кўзлаб тузган тезкор гуруҳлар Қирғизистон Республикаси билан чегарадош туманларда доимий иш юритишяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

Хабар

## КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**Фарғона вилоят прокуратурасида шаҳар ва туманларнинг прокурорлари, вилоят ИИБ Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ва бўлимлари, шаҳар ҳамда туманлар ИИБ бошлиқлари иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Н.Азимовнинг диний экстремизм, терроризм ва Конституциявий тузумга қарши хатти-ҳаракатлардан иборат жиноятларни содир этиб, қидирувда бўлган шахсларга нисбатан юритилган йиғма жилдлар ҳамда бундай жиноятларга қарши кураш тадбирлари таҳлилига оид ва вилоят прокуратураси бўлим прокурори Р.Камоловнинг Фуқароларнинг бедарак йўқолгани ҳамда таниб олинмаган мурдалар топилгани ҳақида хабар ва аризаларни ҳал қилишда қонунийликни таъминлаш, тезкор-қидирув ишларининг самарадорлигини оширишга оид Республика Бош прокурори кўрсатмаси талабларининг бажарилиши хусусидаги ахборотлари эшитилди. Вилоят прокурорининг ўринбосари М.Қурбонов кун тартибидаги масала хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этди.**

Сарҳисоб

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этиш билан биргаликда ечимини кутаётган энг долзарб масалалар ҳамда иқтисодий тараққиёт йўналишлари ҳам белгилаб берилди. Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида, айниқса, юртбошимиз томонидан жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш бўйича белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга оширишда прокуратура органлари фаолияти муҳим ўрин тутади.***

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

### Сурхондарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Дилмурод АБУДУРАҲМОНОВ билан суҳбат

**— Дилмурод Шайқулович, маълумки, Президентимиз томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Мамлакатимизда шу муносабат билан кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Прокуратура органлари фаолиятида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада режага асосланган муайян ишларни амалга ошириш белгилаб олинган. Жумладан, вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ички ишлар, мудофаа ишлари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида қўшма қарор қабул қилинди. Профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларнинг вақтини мароқли ўтказиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида январь ойида махсус спорт оромгоҳи ташкил этилди. Оромгоҳда спорт мусобақалари уюштирилиб, уларга мутахассислар томонидан таълим-тарбия берилиши йўлга қўйилган.

**(Давоми 3-бетда).**

# Хуфёна иш
## ФОШ ЭТИЛМАЙ ҚОЛМАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йил бошидан буён хориждан республика ҳудудига қонунга хилоф равишда товарлар олиб ўтилиши ва муомалага киритилишига оид 26 та ҳолат аниқланди. 303,5 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиниб, 14 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди, 15 та жиноят иши қўзғатилди. Хусусан, фуқаро И.Ҳамдамов ҳайдовчи З.Мамадалиевга тегишли «Мерседес-Бенц» русумли машинада хорижда ишлаб чиқарилган 11,7 миллион сўмлик кийим-кечакларни божхона назоратини четлаб олиб ўтишга уринганда ушланди. И.Ҳамдамовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 1996 йил 9 августдаги 1504-сонли Фармонига кўра бартер шартномаларини тузиш, етказиб берилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат, бажарилган ишлар) учун тўловларни учинчи шахс орқали ундириш таъқиқланган.

Андижон шаҳридаги бирданига иккита корхона «Узрослесстандарт» МЧЖси ва «Узросулгуржисавдо» савдо-ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбари М.Юлдашев уч томонлама шартнома ва битимлар тузиб, «Андижондонмаҳсулотлари» ОАЖнинг 649,4 миллион сўмлик, «Асакадонмаҳсулотлари» АЖнинг 147 миллион сўмлик, «Андижонэлектртармоқлари» АЖнинг 60 миллион сўмлик, «Охунбобоев маккасаралаш» МЧЖнинг 422 миллион сўмлик мулкларини талон-тарож қилган. «Икки карра» раҳбар пул маблағларини ҳисоб рақамига туширмасдан ўзига тегишли «Узрослесстандарт» МЧЖ инннг 96,5 миллион сўмлик солиқ ва бошқа тўловлардан қарзини тўлашдан бўйин товлаган.

Бошқа бир мисол. Андижонлик М.Мадаминжонов турмуш ўртоғи номига «Компьютер технологиялари» МЧЖни расмийлаштириб, ишни ўзи юритган. Барча шартнома ва ҳисоботларга ўзи имзо чеккан. У Андижон туманидаги «1-сонли пахтани қайта ишлаш» ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси М.Исмоилов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳиссадорлик жамиятига гўё 80 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилгани ҳақида шартнома тузишади. Эҳтиёт қисмлар етказиб берилмаган бўлса-да, ушбу сохта шартномани дастак қилиб, «3-тараф фойдасига талабдан воз кечиш тўғрисида» шартнома тузади. Пахтани қайта ишлаш корхонасининг Андижон ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятидаги 80 млн. сўмлик ҳаққини МЧЖга ўтказишади. Шу тариқа М.Мадаминжонов 7 ой мобайнида ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятидан 27 млн. сўмлик совунни олиб чиқиб, нақд пулга сотади. Шунингдек, солиқ ва бошқа тўловлардан 14,3 миллион сўмлик қарзларини тўламаслик мақсадида савдо пулларини назорат-касса машинасидан ўтказмаган ва ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган. Жиноят иши судда кўрилиб, М.Мадаминжонов ва М.Исмоиловга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Ҳукуматнинг тегишли қарорига асосан фуқаролар заруратга кўра банкларда пулларини хорижий валютага алмаштириб олиш имкониятидан фойдаланишяпти. Бироқ, айрим шахслар расмий валюта алмаштириш шаҳобчалари хизматидан кўра бозордаги «валютафуруш»лар орқали «иш» битиришни афзал кўришяпти. Ана шундайлардан бири Андижон шаҳрида яшовчи Ў.Бойназаров мижозга 2000 АҚШ долларини 2520000 сўмга ғайриқонуний равишда ўтказаётган пайтда ушланди. Валютафуруш жиноий жавобгарликка тортилди.

**Қалқон ЖЎРАЕВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари**

# Сирли шартнома

**Корхона ва ташкилотлар иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олиши учун ҳукуматимиз томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмокда. Кредитни олган кўпгина корхона раҳбарлари ишни тадбиркорликдан бошлаб, янги иш ўринлари ташкил қилишга, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратмоқда. Лекин бу яхши ниятлар йўлида турли қинғирликлар ҳам учраб турибди.**

**Муборак туманидаги «Махсустранс» УШК директори Раҳим Рўзиев яхши ниятда 1 млрд. 500 минг сўм кредит ажратишни сўраб Миллий банкнинг Муборак филиали бошқарувчиси Ўрол Аслонов номига ариза ёзди.**

**— Биз сиз сўраган кредитни ажратамиз. Лекин...**

**Раҳим Рўзиев банк раҳбарининг «лекин»ига олдинига тушунмади. Қачонки кредит ажратишда баҳоналар кун сайин кўпайиб кетавергандан кейин бунинг маъносини тушуниб етгандек бўлди.**

**— Берилаётган кредитда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Буни унутмаслигингиз керак, — деди Ўрол Аслонов мақсадга кўчиб.**

**— Биз номард йигитлардан эмасмиз, кредитни берсангиз бас, — деди мийиғида жилмайиб корхона директори Р.Рўзиев.**

**Иш хамирдан қил суғургандек битди. Кўп ўтмай кредит пуллари «Махсустранс» УШКнинг ҳисоб рақамига келиб тушди.**

**Эндиги иш кредит маблағини нақд пулга айлантириш эди. Бу ишни ишончли шериклар билан амалга оширмаса «операция» барбод бўлиши тайин. Ана шундай дамда уларга «Antinariy Buhara» раҳбари Комилжон Турдиев ёрдамга келади.**

**Уч марта судланган, пул деса ҳеч қандай жиноятдан қайтмайдиган бу кимса уюшган жиноий гуруҳга кредит пулларни нақдлаштиришда йўл-йўриқ кўрсата бошлади.**

**— Менинг хусусий фирмам Ромитон туманида рўйхатдан ўтган. Солиқларни вақтида тўлаб турибман. Ҳеч ким фирмамдан хавотирланмайди. Маблағни ўтказсангиз, нақдини мендан санаб олаверасиз. Шартнома тузилса бўлгани, — деди ишонч билан у.**

**Иш ҳужжатларни қалбакилаштиришдан бошланди. Биринчи «операция»га корхона раҳбари Р.Рўзиев, унинг ўринбосари Х.Хўжамбердиев, таъминотчи Д.Ҳусаинов ва бошқалар имзо чекди. Ҳужжатларнинг қалбакилигини била туриб банк бошқарувчиси У.Аслонов, бош ҳисобчи Н.Очиловлар жимжимадор қилиб имзо чекиб, банк муҳрини босди. Нақдлаштирилган пул жиноий гуруҳ ўртасида тақсимланди.**

**Иккинчи «операция»да корхона томонидан эҳтиёт қисмлар учун «Antinariy Buhara» фирмасига 15 млн. сўм ўтказилди. Шу пул асосида нақдлаштирилган 13 млн. 500 минг сўм жиноий гуруҳ томонидан тенг тақсимланди.**

**Ушбу жиноят ишини фош этиш осон кечмади. Айбдорлар тегишли жазосини олишди.**

**Нозим РУСТАМБЕКОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма катта терговчиси**

# ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗ

Тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давр талаби. Бу борада Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ҳам кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларда тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, назорат органларининг улар фаолиятига аралашувини камайтириш, текширувлар сонини кескин қисқартириш каби чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Яқинда «Нуриддин» хусусий фирмаси раҳбари Нурилло Тошев Денов туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилди. Маълум бўлишича, туман ички ишлар бўлими терговчиси Б.Рўзиев «Денов дурдонаси» корхонаси раҳбарининг шикояти юзасидан текшириш ўтказиш жараёнида Н.Тошев номига «Ҳозирги пайтда шаҳардаги «8 март» кўчасида жойлашган эски мебель цехи биноси барча воситалари билан баҳсли бўлганлиги сабабли сиз томондан олиб борилаётган қурилиш ишларини масала қонуний ҳал бўлгунга қадар тўхтатиб туришингизни сўрайман», деган мазмунда хат беради. Шу сабаб корхонада 4 кун давомида иш тўхтаб қолади. Натижада мазкур тадбиркорлик субъекти 145 минг 197 сўм моддий зарар кўради.

«Нуриддин» хусусий фирмасининг тадбиркорлик фаолиятига Республика Президенти фармонлари талабига зид равишда аралашганлиги учун туман прокурори томонидан терговчи Б.Рўзиевга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш тайинланди. Вилоят ИИБ томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, Б.Рўзиев эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, етказилган зарарнинг жавобгар томонидан ундирилиши тўғрисидаги ариза суд томонидан қаноатлантирилди.

Вилоят «Автотеххизмат» АЖ томонидан йўлланган ариза юзасидан ўтказилган текширишда «Асака банк»нинг Денов мини-банки бошқарувчиси С.Тоғаев ва маъмури С.Қўчқоров «Сурхон Автосавдо» МЧЖнинг рухсатисиз, унинг 3,5 млн. сўм маблағини ҳужжатларни қалбакилаштириб, «Истиқлол» фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича С.Тоғаев ва С.Қўчқоровга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ҳамда айблов эълон қилинди.

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Шунга қарамасдан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг низом жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи комиссия бу талабга амал қилмаган.

Хусусан, туман ҳокимининг 2005 йил 12 сентябрдаги қарори билан тумандаги Суннатилло Бекмуродов номли, Абрай Жўраев номли, «Юсупов Акрамжон ВБ» номли кўп тармоқли хусусий фирмалари ягона давлат реестридан чиқарилган. Юқорида қайд этилган комиссия қарори билан низом жамғармасини белгиланган муддатларда шакллантирмаган 14 та тадбиркорлик субъекти қонунга хилоф равишда ягона давлат реестрдан чиқарилган, 50 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган.

Денов туман прокурори томонидан туман ҳокими ва тугатиш комиссиясининг ноқонуний қарорига нисбатан 3 та протест келтирилди ва улар қаноатлантирилди.

**Холмўмин АБДУВОҲИДОВ,**
**Денов туман прокурори**

# Эгри қадамлар

**Айрим кишилар табиатида қизиқ хислат бор: ўзига бирор жиддий иш топширилса, аниқроғи, масъулиятли лавозим топширилса, ҳовлиқиб қолади. Шошгандан ҳовлиққан ёмон, дейишади. Ҳовлиққан одам орқа-олдига қарамай, кўп хатоликларга йўл қўяди. Яқиндагина шундай лавозимлардан бирига сайланган Тоир ака ҳам калта ўй билан жиноятга қўл ургач, бу гапнинг мағзини чаққан бўлса ажаб эмас.**

**Ўтган йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раиси ва уларнинг маслаҳатчиларининг сайлов кампанияси ўтказилди. Жумладан, Пастдарғом туманидаги Х.Кўзиев номли маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам. Ўшанда номзодлардан кўпроқ овоз йиғиб Тоир Ниязқулов ютиб чиқди. У маҳалладошларига миннатдорчилик билдириб, уларнинг ишончини оқлашга ваъда берди.**

**Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Қоидага мувофиқ, сайлов ва унинг натижалари ҳақидаги ҳужжатлар ўша куни туман ҳокимлигига етказилиши керак эди. Бироқ, ўтказилган сайлов натижалари ва йиғилиш баённомалари ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилмаганлиги боис бунинг иложи бўлмади. Бундан туман ҳокимлиги вакили олдида хижолат бўлган янги раис сайлов натижалари ва йиғилиш баённомаларини ўзи ишлаб чиқишга қарор қилди ва уни ўз кўнглидагидай тузиб чиқди. Аммо имзо қўйиб беришга келганда ўйланиб қолди. Ишчи гуруҳи раиси Х.Низомов янги раиснинг бу ўзбошимчалигидан орияти қўзиб, баённомага имзо чекмади.**

**Тоир Ниязқуловнинг боши қотди. Ўйлаб-ўйлаб калаванинг учини топди: ишчи гуруҳига ялиниб ўтирмай барча ҳужжатларга ўзи имзо чекди. Шу тариқа у ишчи гуруҳи раиси Х.Ниязов, гуруҳ котиби В.Кўзиев ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинининг диний ва маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси С.Хушниязоваларнинг ҳам ўрнига қалбаки имзони ғажақдор қилиб қўйди. Сўнг сайлов материалларини халқ депутатлари Пастдарғом туман Кенгашига олиб бориб топширди.**

**Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади. Дарҳақиқат, «қош қўйишга уринган» Т.Ниязқулов «кўз чиқариб қўйганини» кеч англаб етди. Иш бошламасданоқ, қонунбузарликка қўл урган раиснинг эгри қадами ўзига қимматга тушди.**

**А.ЖАМОЛОВ,**
**Пастдарғом туман прокуратурасининг катта терговчиси**

# НАФС ҚУЛИ

**Мамлакатимизда икки касб эгалари: ҳуқуқ-тартибот органи ва тиббиёт ходимлари касб бўйича иш бошлашидан аввал қасамёд қабул қиладилар. Қасамни бузганлар эса азалдан халқнинг нафратига учрайди. Бунга қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам гувоҳлик беради.**

**Бешариқ тумани марказий поликлиникаси шифокори Жамшид Шерматов (исмлар ўзгартирилган) психиатр врач сифатида кўп йиллардан буён жамоада ишлаб, ҳурмат топган эди. Лекин балои нафсга қул бўлиб, мисқоллаб йиққан обрўйини бир зумда йўққа чиқарди.**

Жамшид ўзининг назоратида анчадан буён даволанаётган руҳий хаста Гулшанойни негадир навбати келганида эмас, ҳамма беморларни кўриб бўлгандан сўнг қабул қиладиган бўлди. Шифокорнинг ниятидан бехабар Гулшаной хонага кириб келганида Жамшид унга дори ичиради. Кейин қандайдир суюқлик тўлдирилган шприцни кўрсатиб, эмлаш билан қўрқитади ва ўзининг шаҳвоний нафсини қондирди. Гулшаной қўрқиб кетганидан йиғлагач, уни овутиб ташқарига чиқариб юборди. Бу ҳол кейин ҳам бир неча бор такрорланди.

Кунларнинг бирида Гулшанойдаги ўзгаришни сезган опаси уни қишлоқ врачлик пунктига олиб чиқди. Дастлабки текширувлар унинг ҳомиладорлигини кўрсатди. Шифокорлар унга махсус текширувдан ўтиши учун йўлланма беришади. Гулшаной йўлланмани олиб, Жамшиднинг қабулига келди. У бемор мижозининг қўлидаги қоғозни ўқиб довдираб қолади: «Болангни олдириб ташламасанг аканглар сени ўлдиради. Бундай бўлмаслиги учун бир одам сени шифокорга олиб боради. Ҳомилани йўқ қиласан, пулини ўзим тўлайман». Жамшид шундай деб уни уйига жўнатиб юборади.

Ҳақиқатан ҳам Гулшанойни кейинги куни бир аёл йўқлаб келади ва ўзини шифокор дея таништириб, бирга олиб кетади. Дастлаб Фурқат туманида, кейин Қўқон шаҳрида Гулшаной ўзи билан келган аёл кўмагида текширувдан ўтади. Шифокорлар ҳомилани сунъий равишда туширишга вақт ўтганлигини айтишгач, улар Фарғона шаҳрига — Жамшиднинг турмуш ўртоғининг ўқувчи қизларидан бирининг хонадонига келади. Бу ерда Гулшанойга ҳомилани тушириш учун бир неча бор укол қилинади. Кейин у Қувасой шаҳар касалхонасига келтирилди. Олиб борилган уринишлардан сўнг, ҳомиладорлик кечки бола ташлаш билан узилди. Бир кун ўтгач, Гулшаной «шифокор»и билан Бешариққа қайтиб келади. Шу кеча Гулшанойнинг ҳарорати кўтарилиб, такрор шифокорга мурожаат қилди. Бу мурожаат эса Жамшиднинг қилмишларини ойдинлаштиради.

Яқинда бўлиб ўтган суд мажлисида оқ либосига доғ туширган Жамшиднинг қилмиши кўриб чиқилди. Судда у ўз қилмишини хаспўшлашга уринди. Лекин у гувоҳлар, қонун олдида ҳар қанча чиранмасин айбдорлиги тасдиқланди. Жисмонан ожиз бўлган аёлга мадад бериш ўрнига унинг соғлиғига путур етказган Жамшид энди қонун олдида жавоб беришга мажбур.

**Илҳомжон ЭСОНҚУЛОВ,**
**Бешариқ туман прокуратураси терговчиси**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Натижада вояга етмаганлардан 8 нафарининг тарбияси яхши томонга ўзгарганлиги сабабли жорий йилнинг февраль ойида профилактик ҳисобдан чиқарилди.

Шу йилнинг 7 март куни вилоят прокуратураси ташаббуси билан унинг муассислигидаги «Адолат тарозиси» газетаси ҳомийлигида Бойсун туманидаги 12-сонли Меҳрибонлик уйига 2 дона тикув машинаси совға қилинди.

Бундан ташқари, «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан вилоят прокуратураси ва ҳокимлиги ташаббуси асосида жойлардаги ҳомийлар томондан 76 та ногиронлар аравачаси ва ногиронлар учун керак бўлган кўплаб мосламалар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга тақдим этилди. Бундай фуқаролар орасида вояга етмаган ногиронлар ҳам бор.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси бўйича вилоят комиссияси ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳамда бошқа салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

**— Қонунийликни таъминлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— 2006 йилда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан ўтказилган 634 та текширишлар натижасига кўра 8 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 137 та жиноят ишлари қўзғатилиб, аниқланган моддий зарарнинг 241,1 млн. сўми айбдор шахслар ҳисобидан ихтиёрий равишда ундирилди. Судларга 1 млрд. 368 млн. сўмлик 1713 та аризалар киритилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан кўрилаётган 872 та жиноят ишининг тергови жараёнида аниқланган 3 млрд. 341 млн. сўм зарарнинг ундирилиши таъминланди.

Жиноятларни ҳисобдан яширишнинг 44 та ҳолати аниқланиб, айбдор ходимлар тегишли жавобгарликка тортилди.

Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтган йилда 382 марта текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 4589 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 101 та жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят миқёсида 2006 йилда умумий жиноятчилик олдинги йилдагига нисбатан 0,2 фоизга камайди. Оғир ва ўта оғир жиноятлар, босқинчилик, товламачилик, ўғирлик, гиёҳвандлик, безорилик, фирибгарлик, порахўрлик жиноятларини содир этиш, шунингдек, муқаддам судланганлар ҳамда аёллар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари камайишига эришилди.

**— Коммунал тўловларни ундириш ҳамон долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Тўғри айтасиз. Коммунал тўловларни ундириш борасидаги қонунбузилишларга ҳали ҳам барҳам берилмаяпти. Фойдаланилган электр энергияси учун 2007 йил 1 январ ҳолатига аҳолидан 13,6 млрд. сўмлик, улгуржи истеъмолчилардан 23,2 млрд сўмлик қарздорлик мавжуд. Ушбу қарздорликнинг асосий қисми Термиз шаҳри, Денов, Шўрчи, Шеробод, Олтинсой, Жарқўрғон ва Сариосиё туманлари ҳисобига тўғри келади.

Аҳолининг табиий газдан бўлган қарздорлиги 2007 йил 1 январь ҳолатига 4,2 млрд. сўмга етган. Ушбу қарздорлик айниқса Термиз, Сариосиё туманларида катта суммани ташкил этади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, хонадонларда сарфланган электр энергия ва табиий газнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш қарздорликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир оилада бу борада масъулият билан иш тутилади деб умид қиламиз.

**— Фермер хўжаликлари ташкил этилганлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришда етакчи ўрин тутаётганлиги бу соҳада катта натижаларга эришилаётганидан далолат беради. Бу муҳим тармоқдаги қонунбузарликларга қарши олиб борилаётган назорат ишлари қандай самара бермоқда?**

— Маълумки, вилоятимиз республикамизнинг жанубий ҳудудида жойлашган. Бу ерда кўклам эртароқ бошланади. Шу сабабли баҳорнинг илк кунларидан дала юмушларига тайёргарлик жараёни қизғин кечади. Бугунги кунда фермерларнинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарган. Бироқ, текширувлар натижасида ердан оқилона фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланмоқда. Айрим туман ҳокимликлари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига ер майдони ноқонуний равишда бериб юборилмоқда. Хусусан, шундай ер майдонлари Узун туманида 281, Қумқўрғонда 211, Термиз туманида 135,7 гектарни ташкил этади.

Масалан, Ангор тумани «Холли бобо» фермер хўжалигининг 11,6 гектар ер майдони «Олтин бошоқ» фермер хўжалигига қўшимча равишда туман ҳокимининг ноқонуний қарори асосида бериб юборилган. «Холли бобо» фермер хўжалиги раҳбари Х.Абдуназаровнинг Республика Бош прокурори номига йўллаган мурожаатини текшириш натижасида туман ҳокимининг ушбу қарори бекор қилинди ҳамда 11,6 гектар ер майдони фермер хўжалигига қайтарилди.

**— Жиноятчиликка қарши курашда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда кенг қамровли профилактик тадбирларни амалга ошириш, фуқароларни огоҳликка чақириш, диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш чораларини изчиллик билан давом эттириш давр талабидир.

Диний экстремизм ва терроризимга қарши курашга оид қонунлар ижроси назоратига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**— Жамиятда ҳуқуқий маданият ва саводхонликни юксалтириш муҳим масала ҳисобланади. Қонунлар тарғиботи жабҳасида амалга оширилган тадбирлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Ўтган давр мобайнида вилоят бўйича қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятига ошкоралик бериш борасида кўплаб тарғибот ишлари амалга оширилди. Хусусан, вилоят прокуратураси ходимлари томонидан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда терроризм, диний экстремизм, огоҳликка даъват мавзуларида таълим муассасаларида, маҳаллаларда учрашувлар ўтказилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳудудидаги жиноятчиликнинг аҳволидан келиб чиқиб, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш мақсадида вилоят хотин—қизлар қўмитаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси, халқ таълими бошқармаси, ИИБ ходимларидан иборат тарғибот гуруҳлари тузилиб, жойларда суҳбат ва учрашувлар ўтказилди.

Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан дадил одимлаётган юртимизда ҳар соҳада қонун устуворлигини таъминлаш энг долзарб вазифалардан биридир. Қонунга итоат этмаган шахс учун эса жазо муқаррар. Шундай экан, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки ўзини шу юрт фарзандиман деган ҳар бир фуқаронинг вазифасига айланмоғи керак.

Зотан, ҳақ-ҳуқуққа эга инсон Ватан ва жамият олдида ҳамиша бурчлидир.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Суҳбатдош:**
**Ш. УСМОНОВА.**

## Самарали воситалар

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонун, фармон ва қарорлар тадбиркорлик ривожи учун қулай шароит яратди. Қонунлар доирасида фаолият юритаётган тадбиркорлар савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтирилмоқда. Соғлом рақобат вужудга келиб, иш сифати биринчи ўринга чиқаяпти. Солиқ юки енгиллаштирилмоқда. Солиқ идораларига уч ойда бир марта ҳисобот тақдим этиш бевосита иш билан шуғулланиш учун кўпроқ вақт ажратишга имкон берилди. Тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар, иш бошлашидаги бюрократик тўсиқларга чек қўйилди. Йилдан йилга солиқлар тури камайтирилиб, турли имтиёзларнинг ҳавола этилиши норасмий савдо, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан шуғулланиш, даромалларни солиқдан яширишдай иқтисодий жиноятларни туғдирувчи сабабларни бартараф қилди. Бу чора-тадбирларнинг самараси сифатида Фарғона вилоятида иқтисодий жиноятлар сезиларли даражада камайгани кўзга ташланаяпти. Ноқонуний даромад орттиришга интилган «ишбилармонлар» эса фош этилмоқда.

Ўтган йили иқтисодий жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатига етказилган 1 млрд. 960 млн. сўмлик зарарнинг 92,6 фоизи тергов мобайнида ундирилди. Эркин иқтисодий фаолият юритишнинг қонуний асослари билан бирга жазонинг муқаррарлиги иқтисодий жиноятларнинг пайини қирқувчи самарали воситалардандир.

**Б.МАМАТОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

# ЎСПИРИН ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

Абдурасул Мамажонов панжара ортида ёши каттароқ икки йигит билан ўтирган ўғлининг тизгинини қачон, қаерда қўлидан чиқарганини билолмай дили вайрон. Қамбарали уч фарзанднинг тўнғичи. Ёлғиз ўғил бўлганлиги учунми, айтганини қилдирарди. Онаси ҳам дадасига билдирмай пул бериб турарди. Қамбарали еттинчи синфда ўқиётганида синф раҳбари икки-уч марта уйига келди. «Кўп дарс қолдиради. Баҳолари паст. Ўқитувчиларни назар-писанд қилмайди. Дарсларда қулоғига «наушник» тақиб, музика эшитади. Коридорда бемалол сигарет чекаяпти...».

Ота эркатойини бир-икки тергаган, тартибга чақирган бўлди-ю кейин ўз ҳолига ташлаб қўйди. Сўзини икки қилмай, мотоцикл олиб берди. Ўша мотоцикл ҳозир ашёвий далиллардан бири. Агар охирги марта катта тезликда кетаётиб, нам асфальтда сирпаниб йиқилмаганида бу ишлар очилмай қолавериши ҳам мумкинмиди? Беҳуш аҳволда ортига мингашиб олган Маннон акаси билан касалхонага келтиришди. Мотоциклни ГАИга олиб бориб, багаждаги сумкаларни кўздан кечиришганида, ўша куни хонадонлардан биридан ўғирланган, қиймати бир миллион сўмга яқин тилла тақинчоқлар, видеомагнитофон ва етмиш минг сўм пул чиқибди.

— Мен уйга кирганим йўқ, — деди Қамбарали бошини эгиб. — Муюлишда қараб турдим. Саттор пиёда кетди. Маннон ака иккаламиз мотоциклда...

— Ниманг кам? Айтганингни олиб берганман-ку!

— Маннон акага қартада ютқазганман. Катта пул эди. Сизга айтишга қўрқдим. Шу ишни қилсак, қарзингдан кечаман деди...

Ўн беш ёшида судланса!.. Синф раҳбарининг сўзларини эслади. «Бебош, ёмон болаларга қўшилиб қолмасин. Қулоғини бураб туринг!».

«Мўмин-қобиллар улғайганида бир тийинга зор бўлади. Сиз айтган ўша бебош болалар бўлса йўлини топиб кетади» деган эди ўшанда ўқитувчига. Мана оқибати...

«Маннон билан Сатторни қамашга ҳукм қилишди. Ўғлимга шартли жазо тайинлашди. Судда ўтириб, тарбия фақатгина едириб-ичириш, кийинтириш, сўраган пулини бериб туришдан иборат эмаслигига ақлим етди» деб сўзини якунлади Абдурасул ака...

Ҳа, катталарнинг худбинлиги оқибатида ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўспирин аста-секин уйидан безиб, кўчадан кўнгилхушлик излайди. Уйига фақат еб-ичиш ҳамда ухлаш учунгина киришга, ўқишга кетаяпман деб беҳуда санқишга одатланади. Безори тенгдоши ёки ҳуқуқбузарликка мойил маҳалла болаларининг ёши катта норасмий «етакчиси» таъсирига тушади. Ҳали яхши билан ёмоннинг фарқига етмаган ўсмирнинг назарида умумэътироф этилган ахлоқ-одоб меъёрларини менсимай, уларга зид хатти-ҳаракатлар қилувчи бебош «етакчи» тақлид қилишга арзийдиган шахс бўлиб туюлади. У теварагига ўз ҳолларига ташлаб қўйилган тўрт-беш нафар «ихлосманд» ўсмирларни йиғиб, майда безорилик қилиб, «обрў»сини оширишга тиришади.

Айрим ўсмирлар шунчаки қизиқиб, айримлари уйдаги сержанжал муҳит таъсирида, ароқ ичиб, чека бошлайдилар. Аввалига безарардай туюлган ичиш, чекиш, кейинчалик эса қимор ўйнаш учун ота-онасининг ҳамёнидан оз-оздан пул ўмаришга ўрганишади. Ёки уйдаги бирон буюмни сўроқсиз олиб чиқиб, арзон-гаровга пуллашади. Ана шундай кезда ўзбошимча қилиқларга бефарқ бўлмай, ўртага олиб, ёмон оқибатларини уқтира олган ота-она боласини асраб қолиши мумкин. Ўз ташвишларига ўралашиб ёки бола-да, эси кириб қолади, деб арзимасдек туюлган қилмиши, таралла-бедод юриш-туришига бефарқ қараганлар эса пуштикамарлари жиноят кўчасига кириб қолишига бевосита сабабчи бўлиб қоладилар.

Ўсмирлик даври энг мураккаб кечадиган жараён. Оила, атроф-муҳит, маҳалла, мактабнинг эътиборсизлиги безори-ҳуқуқбузар инсонлар юзага келишига сабаб бўлади.

**Д.ОГАЙ,**
**ҳуқуқшунос**

# Қонунга зид иш, келтирар ташвиш



**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан 2007 йилнинг ўтган икки ойи мобайнида чет элда ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш ва маҳаллий яширин цехларда қўлбола равишда тайёрлаб сотувга чиқариш билан боғлиқ 307 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан жами 91, 5 млн. сўмлик алкоголли маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилган.**

## ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР БАРҲАМ ТОПДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан мамлакатда спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилаётган тезкор тадбирлар натижасида мамлакат ҳудудига ноқонуний равишда хорижда ишлаб чиқарилган спирт ва алкоголли маҳсулотларини олиб кириш ва савдога чиқариш ҳолатларига ҳам чек қўйилмоқда.

Жумладан, 2007 йил 28 февралда Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 14 мавзедаги автомобилларни сақлаш жойида ўтказилган тадбирда фуқаро О.Қурамбеков «Раъно» исмли аёл билан тил бириктирган ҳолда Қозоғистон Республикасидан айланма йўллар билан келтирилган 1,2 литр ҳажмдаги 300 баклажка, жами 360 литр спиртни фуқаро Х.Маҳмудовга 1 млн. сўмга сотаётган вақтда ушланган. Маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Текширишлар шуни кўрсатдики, аксарият четдан ноқонуний олиб келинган спиртлар маҳаллий яширин цехларда қўлбола алкогол маҳсулотларига айлантирилиб, савдога чиқарилмоқда. Буни 51 та яширин цехларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилиб, улардан 10,4 млн. сўмлик этил спирти ва турли воситаларнинг олиб қўйилганида ҳам кўриш мумкин.

Чунончи, Самарқанд вилояти, Булунғур туманида фуқаро Н.Турсунова ўз уйида яширин цех ташкил этиб, қўлбола алкоголли ичимликлар тайёрлаб, сотиш билан шуғулланиб келган. Ундан жами 621 минг сўмлик этил спирти, ясама ароқлар, қалбаки акциз маркалар ва бошқа ашёлар олинган.



Ҳозирги пайтда юртимизда ҳам спирт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Таҳлиллардан кўринадики, бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам кўп ҳолларда айнан шароб савдо базалари орқали ноқонуний сотилишига йўл қўйиб келинган. Бу йўл билан айрим олғирлар катта жиноий даромад олиб келишган.

Бунга мисол қилиб Андижон шаҳрида жойлашган «Қорасув шароб» улгуржи савдо базаси раҳбари А.Шарипов, бош ҳисобчи А.Тошматовларнинг «тадбиркорликлари»-ни келтириш мумкин. Улар «Озоджон-21» фирмасига 306,9 млн. сўмлик ва «Эстилон стар» фирмасига 130,6 млн. сўмлик спиртли маҳсулотлар чиқим қилинганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар расмийлаштириб, аслида ушбу спирт маҳсулотларининг 28,4 млн. сўмлигини «Андижонбиокимёзаводи» ОАЖ раҳбари Р.Исаковга нақд пулга сотишган. Жиноий йўл билан топилган даромадни эса осонлик билан ўзлаштиришган.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди. Департамент органлари томонидан бу борада тезкор-таҳлилий ва қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

**Ботир МИРҲАМИДОВ,**
**Атҳам ЭЛМУРОДОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимлари**

## Ўзгалар соғлиғи ҳисобига

**Кейинги пайтлар сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз спиртли маҳсулотларнинг мамлакатимизга ноқонуний кириб келиши ва ишлаб чиқарилишининг олдини олиш борасида ОАВда бот-бот чиқишлар қилинмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам бундай қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб профилактик тадбирлар ўтказмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 ноябрдаги «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотилишининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.**

**Қарорнинг ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бир қанча ишлар қилинмоқда. Рейдлар, навбатдан ташқари тезкор тадбирлар ўтказилиб турилибди.**

**Қорақалпоғистон Республикаси ИИВлиги билан ўтказилган тадбирда Нукус шаҳрининг Ж.Сейтов кўчасидаги 7 «а» уйда яшовчи Донохон Ибрагимова ўзининг «Нексия» автомашинасида 2 млн. 270 минг 538 сўмлик этил спиртини таниши Равшан исмли фуқаронинг уйига тушираётганда қўлга тушди.**

**Айрим дўконларда эса давлат стандарти талабига жавоб бермайдиган, ҳужжатсиз алкоголли маҳсулотлар сотилишига ҳам йўл қўйилмоқда. Департаментнинг Беруний туман бўлими томонидан ўтказилган текширишда ана шундай ноқонуний ҳолатга дуч келинди. Туманнинг Тўрткўл шоҳ кўчаси 98-уйида яшовчи Эргаш Ўрозалиев ўзига тегишли бўлган дўконга ҳужжатсиз 15 дона баклажкада этил спирти ва 371 шиша ароқни сотиш учун олиб келганлиги аниқланди.**

**Текширишда ушбу дўкондан жами 1 млн. 940 минг сўмлик маҳсулот олиб қўйилди.**

**Суд ҳукми билан Э.Ўрозалиев 4 млн. 968 минг сўм жарима тўлайдиган бўлди. Ачинарлиси, бундай ноқонуний ишлар билан шуғулланаётганларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этмоқда.**

**Фарзандларига одоб ва ахлоқда намуна кўрсатиш ўрнига ароқ сотиб, тирикчилик қилаётган бундай оналарни ким деб аташ мумкин? Афсуски, бундай мисолларни хоҳлаганча келтириш мумкин. Бу каби иллатларнинг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор тадбирларни янада кучайтиради.**

**М.ХАДЖИЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи**

## «Шайтон суви» исканжасида

Бозорга кираверишдаги гавжум жойда турганча атрофни олазарак кузатаётган йигитнинг олдига келган нотаниш одам гап қотди:

— Акам тўй қилаётганди. Шунга арзонроқ ароқ керак эди.

Йигит ён-верига қараб олгач, ҳалиги харидорга деди:

— Э, биродар, роса содда экансиз. Бундай гапни бор овозда айтиб бўладими?

— Узр, билмабман.

— Хафа бўлмайсиз. Эҳтиёткорлик яхшида.

— Сўраган нарсамни топишнинг иложи борми?

— Албатта-да. Омадли экансиз. Ўзи нечта керак?

— Анча оламан. Илтимос, нархларини ёзиб берсангиз.

— Мана, нархини ёзиб қўйдим. От билан туя бўлармиди?

— Акамга кўрсатиб, пулларни олиб келаман. Соат иккиларда шу ерда учрашсак бўладими?

— Бўлмасам-чи.

— Тайёр бўладими?

— Хавотир олманг.

Мижоз кетгач, улгуржи харидор топилганидан хурсанд бўлган қаҳрамонимиз «роса омадим чопди» дея, елиб-югуриб буюртмани бажаришга киришди. Охирги шиша ароқни ҳозирлаётганда харидор келиб қолди.

— Мана буюртмангиз ҳам тайёр. Қани, сумкани беринг-чи!

Йигит зумда эллик шиша қўлбола «Андижон» ароғини харидорнинг сумкасига жойлаб қўйди.

— Қанча бўлди? — сўради харидор.

— Тўй қилаётган одамнинг чиқими кўпайиб кетади. Шуни ҳисобга олиб нархини озгина тушираман. 37 минг 500 сўм берсангиз бўлди.

— Мана. Санаб олинг.

— Алдайдиганга ўхшамайсиз, — йигит паст овозда давом этди. — Қўлни ташланг. Ҳа, айтганча, ҳар эҳтимолга қарши манави акциз маркаларини ҳам қўшиб олинг. Ароқларга ёпиштириб қўярсиз.

Бугун бундай суҳбат ва олди-сотдиларни турли жойларда учратиш мумкин. Айниқса, бозорларда турли-туман спирт маҳсулотлари кўпайиб кетди. Уларнинг орасида эса, афсуски, четдан ноқонуний тарзда мамлакатимизга кириб келган ҳамда яширин цехларда тайёрланаётган ароқ маҳсулотлари ҳам учраб турибди. Ана шундай сифатсиз, талабга жавоб бермайдиган маҳсулотлар туфайли кўплаб кишилар соғлиғини йўқотмоқда.

Маълумки, 2006 йилнинг 5 октябрда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда мамлакатимизда спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш тўғрисида мутасадди идораларга муҳим вазифалар қўйилди.



Бошқармамиз ходимлари томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган йил давомида 91 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

Масалан, Андижон шаҳрида жойлашган «Диёра» кафеси сотувчиси Бурхон Қорабоев Қирғизистонда ишлаб чиқарилиб, акциз маркалари елимланган «Драйв» ва «Давидов» ароқларини сотаётган вақтда ушланган. Кафенинг буфети ҳамда омборхонаси кўздан кечирилганда, ҳеч қандай ҳужжатларсиз Ўзбекистон ва Қирғизистонда ишлаб чиқарилган 627 шиша спиртли ичимликлар борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Бундан ташқари, қўлбола ароқ тайёрлаб, муомалага чиқараётган «тадбиркор»ларни ҳам аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада 14 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 936,7 литр спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олинди.

«Шайтон суви» исканжасига тушган «тадбиркор»лардан бири Асака туманидаги қишлоқлардан бирида яшовчи Хурсандбек Норбўтаевдир. Ўзи яшаётган уйда яширин цех очган бу уддабуроннинг «ишлаб чиқарган маҳсулоти» бир хил бўлса-да, шишага қуйилаётганда турли хил номларни олади ва бир хил акциз маркалар ёпиштирилади. Унинг фаолиятига вақтида чек қўйилди.

Таҳлилларга кўра жиноят содир этган шахсларнинг аксарияти ишсиз фуқаролардир. Иш билан банд бўлганлари ҳам ишбилармонликни ниқоб қилиб, қонунларни писанд қилмай, текин даромадга ружу қўйганлардан ҳисобланишади. Бундан ташқари, табиатан аёлларнинг аксарияти ичувчиларни ёқтирмайди. Ачинарлиси эса қўлбола ароқ "ижодкорлари" орасида аёлларни ҳам учратиш мумкин.

Ўтган йили ана шундай цехларнинг 15 таси фош этилган бўлиб, Хонобод шаҳри, Шаҳрихон ҳамда Улуғнор туманларида эса ҳатто иккитадан ана шундай цехлар мавжуд бўлган.

Албатта, қонунни бузган жазосини олиши муқаррар. Аммо халқимизнинг саломатлиги учун айрим мутахассисларгина эмас, балки барча бирдек масъул эканлигини айрим фуқаролар йиғинлари раислари унутиб қўйишганга ўхшайди. Агар раислар ўз ҳудудларида фуқароларни иш билан банд этиш учун жон койитганларида ана шундай қонунга хилоф ишлар қилинмаган бўларди. Раислик катта масъулиятни талаб этади. У ўз ҳудудидаги ҳар бир киши нима билан машғуллиги ва хонадонларда қандай ишлар қилинаётганлигидан бохабар бўлмоғи даркор. Қайси маҳалланинг ёки қишлоқнинг одамлари ва раиси ҳушёр, сергак бўлса, ножўя ишларга, ҳуқуқбузарликларга қарши дадил сўз айтиладиган бўлса, жамият ва халқимиз учун зарарли ишларнинг пайи қирқилади. Эгри йўлга қадам ташламоқчи бўлганни тўғри йўлга солиб қўйиш, йиқилаётган кимсани суяб қолиш ҳам савобли амаллардан ҳисобланади. Билиб-билмай нобакорлик йўлига кириб қолаётганларни, юқоридаги мисолларда келтириб ўтилганидек, жиноятга қўл ураётганларни тўғри йўлга солиш кенг жамоатчиликнинг нафақат муқаддас бурчи, балки бўйнимиздаги қарз ҳамдир.

Агар масъул вазифалар ишониб топширилган ҳар бир ходим хонага михланиб қолмасдан халқ орасига кириб бориб, маҳаллаларда фуқаролар билан суҳбатлашса, уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашган бундай раҳбарларга аҳолининг ишончи ортади.

**Равшанбек ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи.**
**М.ОРТИҚОВА, журналист**

> **— Руҳшуносга учрашдингизми?**
> ***Хоҳлаган одамингиздан шундай деб сўраб кўринг-чи, нима, сен мени жинни деб ўйлаяпсанми, деб ёқангизга ёпишади. Бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Халқимизнинг менталитети бу. Ўзбекнинг руҳиятини суриштирсанг, шахсига теккандек бўласан. Бизда ҳеч ким ўз руҳияти билан шуғулланмайди. Мазасининг маъқули қочса, касални бошқа ердан қидиради. Чаккасига оғриқ кирса босимдан, боши айланиб, кўзи тинса чарчоқдан деб билади. Кун оғир бўлди, озроқ ётиб дам олсам ўтиб кетади, деб қўяди. Асаб, руҳ саломатлигига эътибор қилмайди. Ор билади. Худди руҳшуносга борса уни тентакка чиқариб қўядигандай.***



# РУҲШУНОСГА УЧРАШГАНМИСИЗ?

Ҳамма нарсанинг ибтидо ва интиҳоси руҳиятга бориб тақалиши барчага маълум. Лекин бу ишга юзаки, ўта совуққонлик билан қаралади. Мактабдан келаётган қизи хаёл суриб, уйидан ўтиб кетса, «бўйи етиб қолибди, шундай бўп туради-да», деб қўяди. Ўғли гап кўтармай, жиззаки бўлиб қолса, асабийлашиб кўчага чиқиб кетаверса, «эр етиб қопти, уйлантириш керак», деган хулоса қилинади, тамом. Етуклик остонасида турган фарзандининг аҳвол руҳиятини ўзбекона тушуниш бу.

Кичкинтой ўзича гапиринса, отаси:«шоир бўлади бу» деб мақтайди. Оқ деворга, китоб-дафтарга алламбалоларни чизиб ташласа, «уруғида рассоми йўғиди-ку» дейди она. Лекин на ота, на она боласининг қизиқишига қараб на қўшимча китоб, на бир расм дафтар, бирон рангли қалам ёки акварел бўёқ олиб берай демайди. Кўпчилик фарзандининг индамай, мактабга бориб келиб, тинчгина юрганига шукур қилади.

Шўро тузумидан қолган кўникма шуки, ота-она бола тарбияси билан мактаб шуғулланиши керак, деб ўйлайди. Мактабдагилар эса аксинча. Қарабсизки, фарзанд ўртада оввора.

Бизда руҳияти бузилган шахслар билан шуғулланадиган диспансерлар, қолаверса, уларни даволайдиган касалхоналар (халқ тилида жиннихоналар) мавжуд. Аммо ҳаяжонга берилган, тушкунликка тушган, қўрққан, ҳаёт қийинчиликлари олдида ўзини йўқотиб, йўл топа олмаётганлар билан ҳеч ким шуғулланмайди. Аҳоли туғилганидан то охирги кунигача ўз руҳиятини билиши, шакллантириши, бошқара олиши керак. Бунинг учун эса оилада, мактабда, ўқув юртларида, иш жойларида руҳшунос эътиборида бўлиш керак. Афсуски, бу масала умуман йўлга қўйилмаган десам муболаға бўлмайди. Биргина мисол келтираман: Сурхондарёда инсон руҳияти билан шуғулланадиган олий тоифали мутахассис биласизми нечта: 5 та. Энди салкам 2 млн. аҳолига нисбат бериб кўрингчи, аҳвол нақадар ачинарли. Ана шу бешта мутахассис ҳам соҳаси бўйича шуғулланмайди. Бунинг иложи ҳам йўқ. Халқимиз бунга ўрганмаган.

Ривожланган чет мамлакатларда бу борада катта-катта институтлар, жамоат ташкилотлари, хусусий руҳшунослар фаолият юритади. Болалар боғчалари, мактаблар, ўқув юртлари, корхона, концерн, корпорациялар психологик хизматлар билан қамраб олинган. Прокуратура, ички ишлар, суд, қутқарув хизматлари, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашувчи ташкилотлар, армия ва флот, барча-барчасида психологик хизматлар фаолият юритади. Уларга жон-жон деб ҳақ тўлайдилар. Чунки уларнинг фойдаси қилинаётган харажатдан минг чандон кўпроқ наф келтиришини яхши билишади.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ҳам бу ишга оз бўлса-да бош қўшадиганлар топила бошлади. 2004 йилдан буён Тошкентда умумроссия психотерапевт мутахассислар лигасининг Ўзбекистон бўлими очилди. Ушбу халқаро жамоат ташкилоти бу борадаги бўшлиқни тўлдириш, мавжуд ресурсларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш юзасидан бир мунча ишларни амалга ошира бошлади. Лекин бу биринчи қадамлар, холос. Чунки гап аҳолининг алоҳида бир қатлами эмас, балки бутун мамлакат аҳолиси ҳақида кетаётир. Бугунги кунда руҳшунослик дарсларини ташкил этаётган мактаб, ўқув юртлари, психолог хизматидан фойдаланаётган корхона, ташкилот раҳбарларини олқишлаш лозим. Улар келажакни кўра билган одамлардир.

Аҳоли руҳий ҳолатининг диагностика ва йўналиши, ҳар бир шахс ҳиссиётларининг хусусиятлари, белгилари, мойилликлари, асаббузарлик, қуюшқондан чиқиш, болалар, ўсмирлар ва катта ёшдаги одамлар, аёллар ўртасидаги феъл айниши, жазавага тушиш ҳолатларини ўрганиш, оилавий келишмовчиликлар, жинсий ноқобилликлар, қўрқув, заифлик натижасидаги бепуштлик, шахслар ўртасидаги ўзаро муносабат буларнинг барчаси руҳшунослар ва улар билан бамаслаҳат қилинадиган ишлардир.

Турмуш шодлик ва ғам, ором ва азоб, бахт ва қийинчиликлардан иборат. Унга биров чидайди, биров чидамайди. Ҳаёт зарбасига чидай олмасдан ичкиликка берилиши, етишмовчилик орқасидан фоҳишабозлик қилиш, ўғирлик, гиёҳвандлик, қотиллик буларнинг барчаси бир кунда, бирданига пайдо бўлиб қоладиган иллат эмас. Ҳар ким билиб билмаган ҳолда шу йўлнинг остонасига келиб қолиши мумкин. Ана шундай ҳолатда уларга кўмак бериш, руҳий мадад биринчи галдаги масаладир. Айниқса, ўсиб келаётган авлод, ўсмир алоҳида эътиборга молик. Биринчи сигарет, илк қадаҳ, биринчи бўса. Буларнинг барчаси ширин хотирага айланиши ҳам мумкин. Эътиборсизлик қилинса, бутун ҳаётни аччиқ изтиробларга тўлдиради ҳам.

Дунё миқёсида олиб қарасангиз руҳшунослар ҳам ихтисослашиб кетди. Шундай экан, биз ҳам андиша ва уятни, эскирган кўникмаларни йиғиштириб қўйиб руҳшунос билан дўст бўлайлик, бу соҳани иложи борича тезроқ ривожлантирайлик.

**Муҳиддин АБДУРАҲМОНОВ,**
**журналист**

# ЁШЛИК ФАСЛИНИНГ ҚИЙМАТИ

**Одамзот ҳамиша ўз-ўзини аяб яшайди. Офтоб қиздирса, соя-салқин жой, қаҳратонда иссиқ бошпана, олис йўлга от-улов дегандай. Шу боис у ўйлайди, ихтиро қилади. Унинг ихтиролари нафақат ўзи учун, ўзидан кейин дунёга келадиган янги-янги издошларига ҳам асқотади. Аммо гоҳида шундай қулайликлар ўйлаб топиладики, улар кўпроқ баҳонага ўхшаб кўринади. Мана шу қулайлик аталмиш ўз-ўзини овутиш инсон елкасидаги, зиммасидаги аллақанча масъулиятнинг юзига парда тортади.**

Баҳор келиши аслида табиат ҳодисаси. Шу гўзал фасл бетакрор гўзаллиги билан бирга ўзига хос талабларини ҳам ўртага қўяди. Мана, Инсон, шу талаб-таклифга, инжиқликка кўнсанг, баҳор сеники. Хоҳла байрам қил, хоҳла — ўйнаб-кул, аммо зинҳор зиммангдаги масъулиятни эсдан чиқарма. Сумалак қайнат, ҳалим тайёрла — бу сенинг орзуинг, қолаверса, «ба ниятй шифо». Бироқ, бу амалингда улардан-да муҳимроқ зарурат бор. Яъни, болангга, болангнинг боласига, демакки, авлодингга ушбу урф-одат мерос қоляпти. Бундан чиқди, удум барҳаёт, қадрият юкини елкалаш давом этяпти. Аммо бу анъаналар тарози посангисини босолмаётгандек, замон ўзгара-ўзгара масъуллик бой берилаётгандек туюлмоқда.

Атрофимда ёнма-ён, ҳамнафас улғаяётган тенгдошларимни қайта-қайта кузатаман. Менимча, улар зийракликдан кўра бефарқликни, куюнчакликдан кўра беғамликни, мулоҳаза юритишдан кўра ўз-ўзини овутишни афзал биладилар. Айнан шу ўз-ўзини чалғитиш ҳодисаси уларни асл қиёфадан маҳрум этади. Яхшилик қилганга жавоб йўқ, хулоса эса яхшилик қилиш бефойда. Мана қулайликлар. Яна қанчаси керак? Қанча керак бўлса, Инсон топиб беради. У ихтирочи, ахир.

Байрам кунлари Жиззахдан қайтдим. Бахмал адирларидан, Ойқор чўққисидан, Сангзор дарёсидан то пойтахтгача бўлган масофада улкан Инкорни кўрдим. Тоққа ёпишган қишлоқда одамлар ор-номусини кўпроқ ўйлашаркан ва уни асраб-эҳтиётлаб боласига елкалатаркан. Товонни кесадиган тошлар устида юришади, аммо улар шу чақиртошларни севишаркан. Ахир бу Ватан ва унинг анъанаси. Чўпонтаёқ ва хурмача ҳамиша белда. Чунки тириклигининг рамзи шу экан. Таассуфки, йўл-йўлакай бу содиқлик ҳисси камая бошлайди. Ўша масканнинг камсуқум ва хоксор қизи ўрнига бора-бора юзингга рангсиз нигоҳини тик қадовчи, такаббур қиёфа қизлар кўринади. Улар ўзларини шунчалик инкор қилишганки, кийган кийимидан тортиб юз бўёғигача туғилган юртининг жилосини ўчириб ташлаган. Муомала одоби, юриш-туриш зийнати, ёшликка хос тортинчоқлик, ҳадик йўқ. Улар аллақачон ўз-ўзига мустақилликни даъво қиладилар. Ва айни пайтда қулайлик — баҳона ҳам бор. Ёшлик ўтадиган давр, давron суриш керак. Ўйлаб қоламан, аввало, ҳамма давр ўткинчи. Ўрта ёш палласи, кексалик ўтмайдими? Иккинчидан, «ўткинчи давр» дейишнинг ўзиёқ одамни кўп нарсага — пухта илм олишга, мустаҳкам оила қуришга, жўяли касб-кор эгаллашга, умуман, вақтида келажакнинг метин пойдеворини қуриб олишга ундамайдими? Энг муҳими, ўзандан чиқмасликни эслатмайдими? Болалик, ҳа, майли, пошшолик даври. Бироқ, ёшлик фаслини беҳуда совуриб юборгач, ёзнинг бефайз, кузнинг шип-шийдам, қишнинг аянчли келишига чидам топилармикан?

Яратилган ҳамма неъмат ўзига яраша баҳоси, қадр-қиммати билан бўлади. Қадри бор нарсанинг уволи ҳам бор. Ёшлик ҳам энг фусункор палла бўлиши билан бирга энг масъулиятли даврдир. Буни эсдан чиқариш мумкин эмас.

Ўттизга кириб-кирмай сочига оқ оралаган, юзига ночорлик нуқси урган йигитлар фақат ҳаётнинг паст-баландини баҳона қилиб, ўзларини овутадилар. Ваҳоланки, бундан ўн йиллар аввал улар ўз давру даврасининг энг олди, энг нозиктаъб йигитлари бўлганлар. Кийимига икки марта дазмол босмаса, кўчага чиқмайдиган, ичкилигу чекишни канда қилмайдиганлар эди улар. Ҳамма гўзалликка ютоқиб-ютоқиб қараган-у фақат ўзининг қилаётган амалига кўрк беролмаган, тўғриси, ўн йиллар наридаги аҳволини тасаввур этишга ҳафсала қилмаган хилидан улар. Бугунга келиб, кўп нарсага ақли етиб, босиқтийиқ одамга айланганида фурсат ўтган бўлиб чиқади. Масъулият эса, ҳу ўша ўн йил орқада қолиб кетган.

Масъулият — ўзи нима эди? У тўғрисида қандай фикрлаш керак? Уни қанақа тушуниш лозим? Фақат кимнингдир олдида ёки нимадир иш юзасидан масъуллик сезиладими? У ҳақда шунчалик жўн, бошни оғритмайдиган даражада ўйласа бўладими? Ё инсон туғилиши билан унинг елкасида табиий равишда пайдо бўладиган юкни эслаш керакми? Нима эди у ЮК? Ҳалол туғилганлик, тўрт мучалнинг сиҳатлиги, онг, забон, ҳусн, ота-онанинг беминнат меҳри кабиларни англаш масъулияти шу Юк эмасми? Худо берган ҳусн-тароватни бозорга солаётганлар, мадору қувватини, топган-тутганини фаҳшга сарфлаётганлар бунақа масъулият борлигини тан олмайдиларми? Ахир ўз-ўзини Сақлаш ҳаёт давомийлигини асраш масъулияти эмасми?

Баҳорнинг қийматини энди тушуняпсизми? Нега ҳамма нарса ундан бошланишини идрок этяпсизми? Бу фасл — бу давр ҳаёт учун энг катта Асос. Биз эса мана шу ўқилдизни кўп ҳолларда айланиб ўтмоқни истаймиз. Ва шунинг учун ҳам такрор-такрор ютқазаверамиз.

**Носиржон ЖЎРАЕВ,**
**журналист**

# ОТА-БОЛА ЖИНОЯТЧИЛАР

**Коля уйидан беза бошлади. Сабаби, у онаси билан эр-хотин бўлиб яшай бошлаган Станиславга кўниколмаётганди. Буни ўзича тушунган онаси «эри»дан унинг тарбияси билан жиддийроқ шуғулланишни сўради. Ўзидан атиги тўққиз ёш кичик «ўгай ўғил» билан тил топишиш кўпни кўрган Станислав учун қийин кечмади. «Жиноят олами» ҳақидаги олди-қочдилари билан бир марта судланиб улгурган ўсмирни ўзига оғдириб олди. Шу тариқа Коля етти марта қамалиб чиқиб ҳам тавбасига таянмаган, ҳалиям чўнтаккесарлик қилиб юрган рецидевист тарбиясини ола бошлади.**

**Бу ўз натижасини бермай қолмади. Ёзнинг жазирама тунларининг бирида у ўгай отасига қўшилиб босқинчилик жиноятини содир этди.**

**Кечги «сайр»дан қайтаётган оила — Коля, унинг онаси ва ўгай отаси Станислав такси тўхтатишди. Манзилга етганларида қарашсаки, чўнтакда йўлкирани тўлашга бир тийин йўқ. Коляни машинада қолдириб ўзи уйига кириб кетган Станислав уйдан қирқма милтиқ ва пичоқ билан қайтиб чиқди.**

**Таксичидан Қўйиликка ҳайдашни сўради. Ярим йўлда қирқма милтиқ биқинига тиралганини сезган ҳайдовчи И.Расулов илкис тормозни босди. Ва қалқиб кетган Станиславдан қирқма милтиқни тортиб олди. Буни кутмаган жиноятчи «ўғли»ни ёрдамга чақирди. У ҳам шай турган экан, пичоқ билан ҳайдовчига ташланди. Мўлжални тўғри ололмади, пичоқ ҳайдовчининг билагини тилиб ўтди. Эпчиллик билан машинадан тушган ҳайдовчи қирқма милтиқ қўндоғи билан пичоқ сермаб ҳамла қилаётган Станиславни бир уриб йиқитгач, Коля жуфтакни ростлаб қолди.**

**Қисқа муддат ичида жиноятчилар қўлга олинди. «Ота-бола» жиноятчилар суд ҳукми билан тегишли жазосини олишди.**

**Олим РАИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

# Қотил — юк ташувчи



Пойтахтга оқшом чўкмоқда. Байрам либосига бурканган шаҳарга ион чироқлари ўзгача таровaт бахш этган. Эртага байрам. Шаҳар одамларининг ҳаракатларини четдан кузатган киши тиниб-тинчимаган инсонлар нега бунча шошмаса, деб ўйлаши табиий.

Мирҳожи эса ҳеч қаерга шошмасди. Чўнтагига қўлини солиб кўрди-ю, кайфияти кўтарилди. «Пулларим бугун қизлар билан мазза қилиб дам олишимга етади», дея хаёлидан ўтказди у.

Доим гавжум бўладиган Бобур боғи ёнидаги «Новинка» кафесига кирганида ҳамкасблари «Тошкентдонмаҳсулот» ОАЖ ходимлари Баҳодир, Ботир ва Шуҳрат байрамни аллақачон бошлаб юборишган экан.

— Қаерда юрибсан, Мирҳожи, — дея ширакайф Шуҳрат уни бағрига босди. Сўнг Баҳодир меҳмон ҳурмати учун 2 шиша «Штоф» ароғи келтириб қўйди.

Улфатчилик бошланди. Орадан чамаси бир соатлар ўтгач:

— Биз анча ўтирдик. Энди уйга кетишимиз керак, — деди Баҳодир улфатларига.

Кўп ўтмай улфатлар кафени тарк этишди. Ширакайф Мирҳожи ўзига янги улфатлар қидира бошлади. Эшик олдидаги қизларнинг ёнига бориб, байрам билан табриклаб, уларни столга таклиф этди. Қизлар ҳам кимнингдир таклиф қилишини кутиб турган экан, рози бўла қолишди.

Қизларнинг бири ўзини Дилдора, иккинчиси Зебо дея таништирди. Сўнг меҳмонлар учун Мирҳожи столга бир жуфт ароқ билан егулик келтириб қўйди.

— Менинг исмим Мирҳожи. Дон комбинатида ишлайман. Ҳар қандай муаммони ҳал қиламан, — дея стол устига бир даста пулни қўйди. Мирҳожи гўё ўзини дон комбинатининг директоридек ҳис қиларди. Аслида у комбинатда юк ташувчи эди. Улфатлар бир-бирини байрам билан табриклашди. Қадаҳлар кўтарилди.

Тунги соат 24.00 га яқинлашганда қизлар уйига кетишга тараддуд кўра бошлашди.

— Биз Себзорга бормоқчимиз, — деди қизлар.

— Мен сизларни уйингизгача кузатиб қўяман. Сўнг уйга кетаман, — деди ширакайф Мирҳожи қизларга илтифот қилиб.

Улфатлар «Дамас»га ўтириб Себзор даҳасига келишди. Қизлар манзилига етгач, машинадан тушиб қолишди. Бекатда ширакайф Мирҳожининг ўзи қолди. Сўнг у таксига ўтириб Чилонзор метросига келди. У метрода уйига етиб олмоқчи бўлди. Кайфи таранглигидан соатнинг неча бўлганини ҳам билмасди. Бу пайт тун ярмидан ўтган, метронинг эшиклари аллақачон ёпилган эди.

...Тунгги осойишталикни кўчаларда гоҳ-гоҳ ўтиб турадиган автомашиналар овози бузиб турарди. Мирҳожи уйига қандай кетишни ўйлаб турганида йўл четида такси кутаётган аёлга кўзи тушди. Секин аёл томон борди.

— Яхши қиз, қаерга кетаяпсиз? Ёрдам керак эмасми? — деди сирли жилмайиб.

— Юнусободга кетмоқчи эдим. Такси тўхтамаяпти.

— Мен сизни уйингизга кузатиб қўяман, — деди. — Менинг исмим Мирҳожи.

— Меники эса Элвира.

Такси Юнусобод туманининг 9-мавзесидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ёнига келиб тўхтаганида тунги соат 2.00 лар эди. Такси ҳақини Мирҳожи тўлади.

— Танишганимдан хурсандман. Саxий йигит экансиз, — деди Элвира жилмайган кўйи Мирҳожига қўлини чўзиб.

— Ёрдамга муҳтож аёлларни кўрсам кўмак бергим келади, — деди Мирҳожи ўзича гердайиб. Сўнг улар хайрлашишди.

Элвира уйига кириб кетди. Мирҳожи эса подъезд ёнида яна сўппайиб ўзи қолди. Сўнг уйига бориш учун бекат томонга кета бошлади.

Кўп ўтмай «Мирҳожи ака, ҳов Мирҳожи ака», деган овоз эшитилди.

Мирҳожи атрофга аланг-жаланг қаради. Не кўз билан қарасинки, кўп қаватли уйнинг учинчи қавати балконидан Элвира уни чақираётганди.

— Ярим кечада қаерга борасиз? Уйга киринг. Меҳмон қиламан.

Мирҳожи Элвиранинг уйига киргач, бирпасда меҳмон учун дастурхон ёзилди. Сўнг танишганликларини нишонлаб дастурхондаги «Шодлик» коньягини охиригача ичишиб, икки улфат ширакайф бўлишди. Кўп ўтмай Элвира ётоқхонасига кириб тунги кўйлагини кийиб чиқди. Буни кўрган Мирҳожи ўзи мени хоҳлаб турган экан-да деган ширин хаёлга борди.

— Гўзал аёлларни кўрсам кайфиятим кўтарилади, — дея Элвиранинг ярим очиқ сийналарига тикилди.

— Сиз ҳам ётоқхонага кириб кийимларингизни ечиб чиқинг. Костюм-шимингиз ҳам ғижим бўлиб кетибди, — деди Элвира.

Мирҳожи ётоқхонага кириб кийимларини ечиб чиқди. Сўнг яна ичишди. Кўп ўтмай Элвира ётоқхонага кириб кетди. Чиқавермагач, Мирҳожи ётоқхона эшигини тақиллата бошлади.

Хонанинг ичидан қулфланганлигини билган Мирҳожининг асаби бузилиб, эшикни қаттиқроқ тақиллата бошлади.

— Ярим тунда осмонни ёргудек эшикни тақиллатасиз?— дея жеркиб берди Элвира жаҳл билан.

— Уйга кетмоқчиман, — деди Мирҳожи.

Сўнг шимини кийиб чўнтагига қўлини солиб асаби бузилди.

— Пулларимни олибсан, фоҳиша. Жойига қўй. Бўлмаса...

— Ҳезалак, нима деяпсан. Мен сенинг пулингга зор эмасман. Ҳозир милицияни чақираман, деб Мирҳожини итариб юборди.

Мирҳожи полга йиқилди.

— Мени ҳаётда ҳеч ким туртмаган. Сен фоҳиша...

— Йўқол, ҳезалак. Кимга туҳмат қилаяпсан, — қичқирди Элвира.

Ўрнидан турган Мирҳожи ошхонага кириб пичоқни олди-ю Элвиранинг ётоқхонаси томон юрди.

— Сенми ҳали менга қўл кўтарадиган? — дея Элвиранинг тўғри келган жойига пичоқни ура бошлади. Элвира жон ҳолатида «Нодир» дея бақиришга улгурди. Сўнг жимиб қолди.

Қўшни хонада ухлаб ётган Элвиранинг ўғли Нодир эшикни очганида Мирҳожи туфлисини қўлига олиб уйдан чиқиб кетаётганди.

Нодир ойисининг ётоқхонасига кирганида онаси қонга беланиб ётганди. Кўп ўтмай «Тез ёрдам» етиб келди. Бироқ кеч бўлганди. Терговчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноят икки кунда очилди. Мирҳожи Самугов судда ўз қилмиши учун муносиб жазосини олди.

Нима эксанг шуни ўрасан, деганлари шу бўлса керак. Кимки ҳаром йўлдан юрса ҳаётнинг ўзи уни жазолаши муқаррар.

**Равшан АЗИМОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари**

Малакали терговдан



**2006 йил 17 сентябрь кундуз соат иккида шаҳар ИИБга хабар келиб тушган заҳоти тергов-тезкор гуруҳи воқеа жойига етиб борди. Марғилон–Охунбобоев темир йўл бекатлари оралиғида, дарахтлар орасида эркак кишининг чала ёнган жасади ётарди. Шаҳар прокуратураси, ИИБ Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг ходимларидан иборат тергов-тезкор гуруҳи воқеа жойини кўздан кечирди.**

# ЁНДИРИЛГАН ЖАСАД

Тергов гуруҳи жасад топилган Яйилма маҳалласининг Асилобод кўчасидаги хонадонларга кириб суриштиришни бошлади. Аввало, марҳумнинг шахсини аниқлаш лозим эди. Жасаднинг бутунлай куйиб улгурмаган битта кафтидан бармоқ излари олиниб, зудлик билан вилоят ИИБга юборилди. ИИБдаги маълумотлар базасида солиштириб, текшириб кўрилганида, марҳумнинг муқаддам судланган Умар Ҳакимов эканлиги аниқланди. 26 ёшли марҳум икки бор судланишга улгурган, Фарғона шаҳрининг Қиргули мавзесида яшар, муқим иш жойи йўқ эди. Марғилон шаҳрининг Асилобод кўчасида яшовчи ота ҳовлисига келиб туриши маълум бўлди. Марҳумнинг оилавий аҳволи, ота-онаси, акалари билан муносабати ўрганилганида, улар билан тез-тез жанжаллашиб туриши, бир кун аввал ҳам жанжаллашгани аниқланди. Юқоридаги далилларга кўра уни оила аъзолари ўлдирган бўлиши мумкин, деган тахмин бўйича иш юритила бошланди. Бироқ жасаднинг ёндирилиши ва бошқа бир қатор ҳолатлар ҳамон ушбу тахминнинг тўғрилигига шубҳа туғдираётган эди. Марҳумнинг оила аъзолари билан алоҳида тартибда суҳбатлашилганида, унинг синглиси Дилноза Ҳакимова акаси бир кун аввал қўшнилари Муталиб ака билан бирга юрганини баён қилди. Шундан сўнг дарҳол Асилобод кўчаси 223-уйда яшовчи Муталиб Абдураҳмоновнинг жиноятга алоқадорлиги текширилиб, шахсига оид маълумотлар йиғилди. Унинг касби пайвандловчи бўлиб, бир-икки марта марҳум Умар Ҳакимовни ёрдамчи қилиб ишлатганди. Турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан суҳбатлар асносида маълум бўлишича, бир кун аввал Муталиб Абдураҳмонов уйида марҳум билан ўтирган, кабоб пишириб, ароқ ичишган. Шундан кейин Умар Ҳакимов уйига қайтиб чиқиб кетган. М.Абдураҳмоновнинг хонадони кўздан кечирилди. Молхонадаги темир аравачада, гараждаги темир бўлаги (прут)да, шунингдек, гараж чуқурининг тубида ётган консерва банкаси, тахта бўлакчаларида ҳам қон юқлари топилиб, далилий ашё тариқасида олинди. Муталиб Абдураҳмонов Қиргули мавзесига кетган эди. Уни топиб, суҳбатлашилганда қилмишидан пушаймон бўлиб, ҳақиқатдан ҳам бир кун аввал, 2006 йил 16 сентябрь куни ўз уйида қўшниси Умар Ҳакимов билан кабоб пишириб, ароқ ичишганини ва шундан кейин бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. Кабобни еб бўлганларидан кейин марҳум уйига чиқиб кетган. Орадан икки соат ўтиб қайтиб чиқиб, ароққа 5 минг сўм беришини сўраган. Бермагани учун онасини ҳақоратлаган. Жанжаллашиб, ёқалашишган, уни ерга қулатиб, тагига босиб олганида, кабоб қўраси ёнидаги темир бўлагига кўзи тушиб қўлига олган-у, Умарнинг юзига 2-3 марта урган. У қимирламай қолгач, қўрқиб кетиб, гаражда велосипед тузатаётган ўғлини чақирган. Ўғли билан У.Ҳакимовнинг ўлигини гараж ичидаги машина тузатиш учун қазилган чуқурга ташлаб қўйишган. Ўғли Хуршид далага бориб онасини айтиб келган. Турмуш ўртоғи жасадни кўриб, қўрққанидан уйига кириб ётиб олган.

Муталиб кечаси соат ўнларда қўшниси Аҳад акага учраб, магазиндан сотиб олган бир қоп унни олиб келай, деб бир ғилдиракли темир аравачасини сўраб олган. Умар Ҳакимовнинг мурдасини полиэтилен қопга тиқиб, ўғли Хуршид билан аравачани темир йўл тарафга етаклаб боришган. Темир йўл бўйидаги шағалда аравача юрмай қолгач, мурдани икки тарафидан кўтариб, анжир дарахти остига ташлашган. Уйларига қайтиб боришганидан кейин ўғлига 700 сўм бериб, бензин топиб, мурдани ёқиб юборишни тайинлаган.

Шу тариқа, тергов ва тезкор ходимларнинг фаол ҳаракатлари натижасида мазкур ўта оғир жиноят қисқа фурсатда фош этилди. Суд ҳукми билан М.Абдураҳмонов 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Маҳмуджон ҚАЮМОВ,**
**Марғилон шаҳар прокурори**




# Тергов давом этмоқда

Россия Бош прокуратурасининг бир гуруҳ терговчилари Федерал хавфсизлик хизматининг собиқ ходими Александр Литвиненко ишига ойдинлик киритиш мақсадида Лондонга келишди. Маълумки, ФХХ собиқ полковниги 2006 йилнинг 23 ноябрида полоний-210 радиоактив моддаси билан заҳарланиб, Лондондаги шифохоналарнинг бирида ҳаётдан кўз юмганди. Ўшанда деярли барча рўзномаларда Литвиненко қасддан ўлдирилди, деган маълумотлар тарқатилган эди. Ҳозирги кунда айни ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.




РИА новости ахборот агентлигининг хабар қилишича, Лондонга келган уч кишидан иборат гуруҳга Россия бош прокурорининг ўринбосари Александр Звягинцев раҳбарлик қилмоқда. Терговчилар Лондонга душанба куни ташриф буюришган бўлса-да, ҳанузгача уларнинг олиб бораётган ишлари хусусида аниқ маълумотлар йўқ.

# Чиптасиз жанжалкаш

Сешанба куни Парижнинг Шимолий вокзали яқинидаги метро станциясида ёшлар ҳамда полиция ўртасида тўқнашувлар юз берди, деб хабар қилади Reuters ахборот агентлиги. Ушбу тартибсизликлар натижасида бир неча киши жароҳатланган, тўққиз киши эса ҳибсга олинган. Гап шундаки, метро назоратчилари чиптаси бўлмаган йўловчи йигитни тўхтатгач, улар ўртасида жанжал келиб чиққан. Ҳуқуқбузар Париж транспорти бошқармаси ходимларидан бирини жароҳатлаган ва айни шу ҳолат катта тартибсизликка сабаб бўлган. Назоратчилар зудлик билан полициячиларга мурожаат қилишган. Ўз навбатида ҳуқуқ-тартибот ходимлари чиптасиз йўловчини вокзалдаги полиция бўлинмасига олиб келишган. Бундан хабар топган, асосан Африка ва Осиё давлатларидан келган 200 га яқин ёшлар полиция маҳкамасига келиб ўз тенгқурини озод қилишни талаб қилишган. Ҳуқуқбузарлар полициячиларга қарата турли нарсаларни ота бошлашгач тартибсизликлар келиб чиққан.





# ЧЕГАРА БЕЛГИЛАНДИ

Россия ҳамда Латвия ҳукуматлари давлат чегаралари тўғрисидаги битимни имзоладилар. Айни шу ҳужжат билан Латвиянинг Россияга нисбатан ҳудудий даъволарига чек қўйилди.

РИА новости ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур ҳужжат Москвада Россия бош вазири Михаил Фратков ҳамда Латвия бош вазири Айгар Калвитислар томонидан имзоланган. Маълумки, чегара тўғрисидаги битим 2005 йилдаёқ тайёрланган эди, бироқ, Латвия ҳукумати бир томонлама ушбу ҳужжатга декларацияни ҳам қўшиб қўйганди. Декларацияда кўрсатилишича, 1920 йилдаги тинчлик битимига кўра Абренск тумани, яъни ҳозирда Россиянинг Псков вилояти ҳудудидаги Пыталов тумани Латвия таркибига кирган. Ўз навбатида Россия ҳукумати бу битимни имзолашдан бош тортди, чунки Москва вакилларининг фикрига кўра келажакда Латвия томонидан бундай ҳудудий талаблар сони кўпайиши мумкин. Михаил Фрадков журналистлар билан ўтган учрашувда ушбу ҳужжатни имзоланиши икки давлат ўртасида тўпланиб қолган барча муаммоларни ҳал этмаслигини таъкидлаб ўтди.

# Болалар гаровда

**Чоршанба куни Филиппинда уч нафар қуролланган шахс мактаб болалари кетаётган автобусни гаровга олган. AFP ахборот агентлигининг хабар беришича, 32 нафар мактаб ўқувчиси ҳамда икки ўқитувчи автобусда экскурсияга чиқишган. Пойтахт Маниланинг шаҳар кенгаши биноси ёнида қуролланган жиноятчилар автобусни эгаллаб олишган. Воқеа жойига етиб келган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари автобусни қуршаб олиб, жиноятчилар билан музокараларни бошлаб юборишган. Дастлабки маълумотларга қараганда, улар бепул яшаш шароитини яратиб беришни ҳамда қандайдир бир гуруҳ болаларга бепул таълим олишга рухсат берилишини талаб қилишган.**



# Қонун ҳамма учун бирми?

АҚШ федерал судяси Томас Хоган мамлакатнинг собиқ мудофаа вазири Дональд Рамсфелдга нисбатан қўзғатилган даъвони рад этди. Рамсфелд ҳамда яна бир нечта юқори мартабали ҳарбий қўмондоларга нисбатан киритилган ушбу даъво аризаси икки йил аввал Иллинойс штатининг округ судига Ироқ ҳамда Афғонистондаги ҳарбий қамоқхоналарда сақланган 9 нафар собиқ маҳбуслар томонидан ёзилган. Аризада кўрсатилишича, бу турдаги қамоқхоналарда маҳбусларни кучли азобларга қўйишар экан, уларнинг устидан турли қийноқ усулларни синаб кўришаркан.

Associated Press ахборот агентлигининг хабар беришича, судья Хоган қарорига кўра, давлат арбоблари бу турдаги айбловларга тортилишда дахлсизлик иммунитетига эгадирлар. АҚШ ҳудудидан ташқарида ҳибсга олинган чет эл фуқароларига эса америкаликларнинг коституцион ҳуқуқлари берилмайди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари адвокатларининг Рамсфелд ҳамда бошқа юқори мартабали ҳарбийлар бу ҳолатларга панжа орасидан қараганликлари ҳамда сўроқ қилишда ноқонуний усулларни ишлатишга рухсат берганликлари ҳақидаги важи суд томонидан инобатга олинмади. Судя Хоганнинг сўзига кўра, агарда ушбу иш юзасидан ҳукм чиқарилса, бошқа давлат арбоблари устидан ҳам кўплаб даъволар ёғилиб кетарди.



# Буюртма учун пора

27 март куни Германияда «Siemens» концернининг бошқарув кенгаши аъзоси Йоханнес Фельдмайр ҳибсга олинди, деб хабар қилади Associated Press ахборот агентлиги.

«Siemens» вакиллари ҳозирча Фельдмайр нима сабабдан ҳибсга олинганлигини аниқ билмасликларини айтишмоқда. Бироқ, ҳозирда Германия ҳуқуқ-тартибот органлари «Корхоналар кенгашининг мустақил ишчи гуруҳи» раҳбари ҳисоб-рақамига концерн томонидан ноқонуний равишда пул маблағлари ўтказилганлиги хусусида тергов ҳаракатларини олиб боришаётгани маълум. «Siemens»дагилар Фельдмайр айни шу иш бўйича ушланган бўлиши мумкинлигини ҳам инкор этишмаяпти. Терговчилар компаниянинг яна бир қатор менежерларини хорижий иш берувчиларга ва мансабдор шахсларга «Siemens» учун буюртмалар бериш эвазига пора берганликда айблашмоқда. Германия прокуратураси ахборотига кўра, берилган пораларнинг умумий қиймати 552,5 миллион долларни ташкил этади. Бироқ, ҳанузгача Фельдмайрнинг ҳибсга олиниши бу ишлар билан боғлиқми, йўқми аниқ эмас. Эслатиб ўтиш жоизки, Европанинг энг йирик компанияларидан бири бўлмиш «Siemens» атрофидаги можаролар Германия солиқ инспекцияси томонидан компаниянинг 30 та офисида ўтказилган тинтувлар ўтказилгандан сўнг бошланган.



# Ўтмишга эмас, келажакка

Германия канцлери Ангела Меркель томонидан Франция Президенти Жак Ширакка юборилган туҳфа Туркия ҳукумати вакилларида норозилик уйғотди, дея хабар қилади France Presse ахборот агентлиги. Гап шундаки, мазкур совға пиво ичимлигини истеъмол қилишга мўлжалланган кружкадир. Унда 1799 йилда Наполеоннинг Усмонли турклар устидан қозонган ғалабаси акс эттирилган. Журналистлар Туркия ташқи ишлар вазири Абдулла Гуладан мазкур совғага қандай муносабатдалигини сўраганларида, у Европа Иттифоқи ўтмиш тўғрисида эмас, балки ўз келажаги ҳақида бош қотириши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Туркия рўзномаларида ёзилишича, кружкага туширилган сурат Европа Иттифоқининг Туркияга бўлган салбий қарашларини акс эттиради. Маълумки, расмий Анқара анча вақтдан буён Европа Иттифоқига аъзо бўлмоқчи. Ангела Меркель эса очиқ ойдин Туркиянинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиб киришига қарши. Совғага келсак, у Европа Иттифоқининг 50 йиллик санаси Берлинда нишонланаётганда Ширак жанобларига топширилган.

# Дипломатия ёки ...?

Форс кўрфазида Эрон ҳарбийлари томонидан 15 нафар Буюк Британия денгизчиларининг ҳибсга олинишидаги можаро тобора қизғин тус олмоқда. Буюк Британия бош вазири Тони Блэр денгизчиларни озод қилиниши дипломатик йўл билан ҳал бўлишига умид билдирди, бироқ ўз нутқида бош вазир жаноблари агарда дипломатия ёрдам бермаса, бошқа чораларни ҳам кўришга тайёр эканлигини маълум қилган. Расмий Теҳрон эса бу сўзларни сиёсий фитна сифатида қабул қилиб, ўз ҳарбийларининг хатти-ҳаракатлари қонун доирасида амалга оширилганлигини таъкидлади. Эрон Ислом республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги вакили Муҳаммад Али Ҳусейнининг айтишича, мазкур иш Эрон қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқилади. Шунингдек, британиялик дипломатлар ҳибсга олинганлар билан учрашишлари ҳам мумкин, лекин ундан олдин терговчилар қонунбузарларни нима сабабдан Эрон ҳудудий сувларига кирганликлари борасида сўроқ қилиб олишлари даркор. Аввалроқ, Эрон расмийлари ҳибсдагилар билан халқаро нормаларга кўра муомала қилинаётганлиги ҳақида ахборот беришганди, бироқ уларни қаерда сақланаётганлиги хусусида аниқ маълумотлар йўқ.

Буюк Британия денгизчилари жосусликда ва ноқонуний равишда чегарадан ўтганликда айбланишмоқда. Таъкидлаш керакки, улар Эрон ҳамда Ироқ ўртасида бир неча йилдан буён ҳудудий можарога сабаб бўлиб келаётган ҳудудда ушланганлар. Ҳибсга олинган Британия денгизчилари Ироқдаги коалиция кучлари таркибидаги Буюк Британия ҳарбий денгиз кучларига қарашли «Корнуолл» кемасида хизмат қилишган.

# Космосдан денгизга

**Интерфакс ахборот агентлигининг маълум қилишича, сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси, чиқиндилар ортилган юк ташувчи «Прогресс М-58» космик кемасининг ёниб улгурмаган қисмлари тинч океанининг денгиз йўллари ўтмайдиган жойида чўктирилди. Москва остонасидаги Королев шаҳрида жойлашган парвозларни бошқариш маркази тарқатган хабарларга кўра, фазо кемаси белгиланган вақтда халқаро космик станциясидан ажралган ва ерга тушиши натижасида ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар рўй бермаган. «Прогресс М-58» 2006 йилнинг кузидан буён халқаро космик станция таркибида бўлган. Ўз навбатида эндиликда унинг ўрнини бошқа фазо кемаси эгаллайди. Янги кеманинг парвози жорий йилнинг май ойи ўрталарига белгиланган. Эслатиб ўтамиз, ўз вазифасини адо этиб бўлган кемаларнинг ёниб улгурмаган қисмлари Янги Зеландиянинг Веллингтон шаҳридан 3,9 минг километр узоқликдаги Рождество ороли яқинида чўктирилади. Айни шу ерда Россиянинг «Мир» космик станцияси ҳам чўктирилган эди.**

# Яна колхозлар



Венесуэла президенти Уго Чавес ўзининг «Салом, Президент» радио шоусидаги чиқишида мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида гапирди. Президент Чавеснинг айтишича, социализм узра қилинаётган ислоҳотлар таркибига коллектив хўжаликларни тузиш ғояси ҳам киритилган эмиш. International Herald Tribun ахборот агентлигининг хабар беришича, Чавес ишчилар ҳукумат томонидан молиялаштириладиган кооперативлар олаётган даромадлардан бир қисми уларга тегишига ваъда берган. Таъкидлаш керакки, Венесуэла президенти 2006 йилнинг декабр ойида ўз лавозимига қайтадан сайланган эди. Қайтадан сайланиши биланоқ Чавес ўз олдига мамлакатда Куба моделига ўхшаш социализм қуриш ғоясини мақсад қилган. 2007 йилнинг март ойида Венесуэла раҳбари янги қарорни имзолади, унга кўра мамлакатдаги барча нефть компаниялари 2007 йилнинг 1 майидан давлат тасарруфига ўтиши лозим. Шунингдек, нефть компаниялари билан бирга энергетик ва телекоммуникатив соҳаларни ҳам тўлиқ давлат назоратига ўтказиш режалаштирилган.

«Internet» хабарлари асосида **Д.ЭШМУРОДОВ** тайёрлади

**Huquq**
yuridik gazeta

**Ta'sischi:**
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:**
*Jahongir MAKSUMOV*

**Tahrir hay'ati:**
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

**Tahririyat manzili:**
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi – 231

Buyurtma Г — 255. 27 147 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 23.00 1 2 3 4 5 6 7 8

*Топилма*

# ТОШГА АЙЛАНГАН ДАРАХТ

Болалигимизда «Ёрилтош», «Тошдай қаттиқ дарахт», «Тоғлар бағридан топилган хазина» каби эртак ва афсоналарни кўп эшитганмиз. Уларнинг ҳаётда бўлишига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай катта бўлганмиз.

Ҳақиқатда эса аждодларимиз ўтин-кўмир, газ ва нефть маҳсулотларидан фойдалана бошлаганига кўп йиллар бўлган. Гап шундаки, дастлаб ер ости ва ер усти бойликларидан тайёр ҳолда фойдаланилган.

Ер юзининг турли минтақаларидан қазиб олинаётган миллион-миллион тонна тошкўмир, нефть, газ, ла, тоғ ва ер кўчкилари, сув тошқини, қум босиши каби табиий офатлар туфайли бир неча миллион йиллар мобайнида ўсимликлар тошкўмирга, торф ёки нефть қоришмасига айланади. Лекин дарахтнинг харсангга айланиши табиатда камдан-кам уч-



Экспедиция аъзоси, Урганч давлат университети ўқитувчиси Султонбой Абдураҳмонов топилмани изоҳлаб шундай дейди:

— Ўзбекистон фанлар академиясига қарашли Тошкент ботаника боғида темир дарахти ўсиб турганини ўз кўзим билан кўрганман. Дарахтнинг ранги ва қаттиқлиги сабабли шундай аташган бўлса керак. Чилпиққалъа атрофидан топилган бу ноёб нусха Санкт-Петербург тоғ-металлургия институтида, АҚШнинг Аризона штати тафақат Хоразмда ўсиб кўпаяди. Ўтмишда унинг пўстлоғидан тери ошлашда фойдаланишган, танаси қаттиқлигидан наққошлик, каштачилик санъатида, мусиқа асбоблари ясашда ишлатилган. Урганч, Нукус, Хива музейларини безаб турган ноёб нақшинкор эшик ва дарвозалар айнан гужум, тут дарахтидан ясалган. Вақти-соати келиб, «Олтин мерос» музейининг экспонатлари қаторидан жой олган бу ноёб топилма ёшини Хоразм-Маъмун академияси олимлари аниқлайдилар, деб умид қиламиз. Кўҳна Хоразм замини ўз бағрида нафақат авлод-аждодларимиз туманидаги Учўчоқ, Амударё туманидаги Чилпиққалъа ёдгорлигининг конуссимон тепаликларининг сўнган вулқон эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлишса керак. Орадан 50 йиллар ўтгандан сўнг атоқли ўзбек геологи Ҳ.Абдуллаев Чотқол, Зарафшон, Нурота тоғларида қачонлардир сўнган вулқон излари бўлганини эътироф этгани маълум. Нурота тоғлари билан Султон Увайс тизимларининг ер остидан туташганини инобатга олсак, узоқ ўтмишда Хоразм воҳасида вулқонлар отилиб чиққанига шубҳа қолмайди.

Қолаверса, аждодларимиз ер темир моддалари қандай пайдо бўлади деган саволга олимларимиз аллақачон жавоб топишган. Ер остида, тоғлар бағрида беҳисоб бойликлар мавжудлигини илмий равишда исботлаб берганлардан бири буюк юртдошимиз Абу Райҳон Беруний эди. У киши «Маъданшунослик» фанига асос солган аллома бўлиб, Моварауннаҳр заминида 15 хил маъдан бойликлари борлигини аниқлаб берган. Шунинг учун ҳам унинг асарлари Шарқ ва Европа олимлари томонидан чуқур ўрганилиб, ўзга тилларга таржима қилиниб, кенг қўлланган.

Олимнинг фикрига кўра, зилзирайдиган мўъжиза дейиш мумкин. 2006 йил 25 октябр куни қадимий Чилпиққалъа (Қорақалпоғистон) остонасида археологик қазишма олиб бораётган жамоамиз узунлиги 1 метр 32 см., айланаси 90 см. ва оғирлиги 200 кг. келадиган ноёб тошёғоч қолдиғини топишга муяссар бўлди. Дастлабки текширувлар шуни кўрсатдики, топилган дарахт бўлаклари ўтда ёнмайдиган, жигарранг мармар тошдек қаттиқ, занглаб қолган темирга ўхшайди. Ноёб топилма атрофидаги тош парчаларида япроқ ва қурт-қумурсқа уяларининг излари муҳрланиб қолган.

биат музейида борлигини ўқиган эдим. Ушбу топилмани изотоп ва радиоуглеродлар ёрдамида лаборатория таҳлилидан ўтказиш лозим. Ҳозирча бу дарахтнинг ёшини 5-10 миллион йил деб тахмин қилаяпмиз. Табиатда 5-6 йилдан 6 минг йилгача умр кўрадиган дарахтлар бор. Масалан, ўрик-шафтоли 15-20 йил, саксовул 50-60, терак 70-80, ток 100-150, тол 300, тоғ пистаси 350, тут 400, қарағай 700-1000, чинор 1000, эман 2000, шамшод 3000, мамонт дарахти 6000 йил умр кўриши фанга маълум. Қайрағоч дарахти Марказий Осиё ва Кавказда ўсади. Унинг гужум хили эса рихини, балки табиатнинг беҳисоб бойликларини ҳам асраб келаётган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Биз конуссимон Чилпиқ тепалиги қачонлардир вулқон отилиб чиқиши натижасида ҳосил бўлган табиат ёдгорлиги, деб айтишга ҳақлимиз. Маълумки, вулқоншунослар вулқонларни уч тоифага ажратадилар: ҳаракатдаги вулқонлар, сўнган вулқонлар ва янги пайдо бўлаётган вулқонлар. 19 - 20-асрларда воҳамизнинг табиий ва ижтимоий ресурсларини ўрганиш учун келган машҳур хорижий олимлар Ҳ.Вамбери, А.Кун, В.Бартолд, В.Вавилов, С.Толстов ва бошқалар Ҳазорасп остидан чиқиб турган олов қолдиқларини муқаддас билиб, Чилпиқ тепалигида баландлиги 18-20 метрли думалоқ қалъа қурганлар. Ундан 200 км. жануби-шарқда осмонга олов пуркаб турган тепаликка Учўчоқ (ҳозирги Саримой) деб ном берганлар. Чилпиққалъа ёнидан топилган темир қолдиқлари, юпқа пластикага айланган металл парчалари бу маконда сўнган вулқон борлигини яна бир карра исботлайди. Масаланинг амалий томони республика мутасадди ташкилотлари диққатига ҳавола.

**Комилжон НУРЖОНОВ,**
**ўлкашунос, Урганч шаҳри**

*Ташаббус*

***Дўстлик туман прокуратураси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ташаббуси билан ёш қаламкашлар ўртасида «Дўстлик ғунчалари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.***



# ТАШАББУС БЎЛСА ҲОМИЙ ТОПИЛАДИ

Танловдан кўзланган мақсад — ижодкор талаба ва ўқувчиларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Танловда тумандаги 2 та коллеж, 19 та умумий ўрта таълим мактабларидан 50 га яқин ижодкор ёшлар иштирок этишди. Назм ва насрда ёзилган юздан ортиқ ижод намуналари ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилди. Танловда 6 нафар иштирокчи ғолиб деб топилиб, уларга биринчи, иккинчи, учинчи даражали диплом, пул мукофотлари, эсдалик совғалари берилди. Барча қатнашчиларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

— Ташаббус туғилганда ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи ҳомийлар топилди, — дейди туман прокурори Шавкат Турдибеков. — Бу галги танловга «Шойим ота», «Эшниёз бобо», «Машъал» каби кўплаб фермер хўжаликлари ҳомийлик қилдилар. Энг қувонарли жиҳати шундаки, ҳомийлар маблағи ҳисобига ижодкор ёшларнинг асарларидан «Дўстлик ғунчалари» номи билан китоб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**журналист**

**Суратда: *Туман прокурори Шавкат ТУРДИБЕКОВ ғолиб бўлган ижодкор ёшлар даврасида***

Муаллиф олган сурат.

РЕКЛАМА

**«ФАРМЕД САНОАТ» хусусий корхонаси**

*сизларни баҳорий байрам Наврўз билан муборакбод этади!*

**Ҳурматли истеъмолчи!**

Биз сизнинг ишончингизни юқори баҳолаган ҳолда **«Ринза таблеткалари №10»** дори воситасининг келиб чиқиши номаълум, оригинал дори воситасига жуда ўхшаш қалбаки нусхаларини сотиб олишдан огоҳлантирмоқчимиз.

**Қалбаки «Ринза таблеткалари №10» воситасининг серия рақамларини эслаб қолинг:**
- **серия 011205, серия R013, серия 140106,**
- **серия ВТ-173, серия 01402, серия U6170,**
- **серия 110906, серия ВТ-172**

***Бу билан сиз ўзингизни қалбаки маҳсулотдан ҳимоя қилган бўласиз.***

**«РИНЗА ТАБЛЕТКАЛАРИ №10» ДОРИ ВОСИТАСИНИНГ ФАҚАТГИНА ОРИГИНАЛ НУСХАСИ ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШДА ЁРДАМ БЕРАДИ! ЎЗ СОҒЛИҒИНГИЗНИ АСРАНГ!**

*Сизнинг ишончингиз — миллий ишлаб чиқарувчилар учун асосий кўмакдир!*

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК!

***ИККИ ЙИЛДАН БУЁН РИНЗА ТАБ.№10 ДОРИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ 1-РАҚАМЛИ ВОСИТА ҲИСОБЛАНАДИ***

***Энди РИНЗА таб.№10 голограмма билан***

*2007 йил 12 февралдан эътиборан «Pharmed sanoat» хусусий корхонаси дорининг аслини ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уни **ГОЛОГРАММА** — ҳимоялаш тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда. **ГОЛОГРАММА** дори қутисининг ҳар икки томонида жойлашган.*




*Сизларга ҳамиша омонлик тилаймиз!*

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:** *399-55-00; 175-75-00*

*Огоҳлик*

# Қайси бири хавфлироқ?



Тамаки ва алкоголнинг инсон организмига бўлган салбий таъсирини ўрганган британиялик олимлар тамаки ва алкогол марихуанадан ҳам хавфлироқ экан, деган хулосага келишди. Текширув давомида олимлар уч йўналишга — истеъмолчининг соғлиғига зарари, мойилликнинг ортиб бориши ва наркотикнинг ижтимоий хавфига асосланишган. Бунда улар бир неча соҳа мутахассисларининг фикрларини жамлаб, 20 дан ортиқ энг хавфли зарарли моддалар рейтингини тузишди. Биринчи ўринни зарарлилик жиҳати тахмин қилинаётганидек, героин ва кокаин эгаллаган. Ундан кейинги ўринни барбитурат ва метадон эгаллаган. Лекин энг қизиғи тамаки ва алкогол марихуанани ортда қолдириб, бешинчи ва тўққизинчи ўриндан, экстази эса умуман энг охирги ўриндан жой олган. Изланишда иштирок этган Натт исмли олимнинг таъкидлашича, наркотик моддаларни истеъмол қилиш зарари тўғрисидаги Британия актида алкогол ва тамакининг зарари қайд этилмаган бўлсада, статистика бўйича касалликларнинг 40 фоизидан ортиғи айнан тамаки ва алкоголни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш натижасида келиб чиқмоқда.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси бошқарма катта прокурори Отабек Фузаиловга падари бузруквори **СИДДИҚ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси Булунғур туман прокурори Ильич Холбековга волидаи муҳтарамаси **УНСИНОЙ ая**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси бўлим бошлиғи Исом Сатторовга опаси **ОЛИЯ ҒОФУРОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси бўлим прокурори Шуҳрат Жўраевга падари бузруквори **САЛОҲИДДИН ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.